ҲУРРИЯТ
МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

ТАҲЛИЛ

# ҲИММАТ. МИННАТ. КАЛАКА

**Ёки Сурхондарё вилоят "Камолот" жамғармаси раҳбариятига бир савол**

**РОСТ.** 1998 йил баҳорининг серёғин келган сўнгги кунлари Бойсундаги 12-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари халқаро болалар кунига бағишлаб Термизда ўтказилаётган тантаналарга таклиф қилинди. Меҳрибонлик уйининг нақ 100 нафар ўғил-қизалоқлари автобусларни тўлдириб, қувончдан энтика-энтика вилоят маркази томон карвон тортди.

Автобуслар карвони олис йўлнинг қоқ ярмига етганида — Чилонзор қишлоғига етган жойида таққа тўхтади: тунда келган сел кўприкни олиб кетибди!

Иложи йўқ, тамом — болаларнинг шодлиги қора булутга қоришди.

Начора, орқага қайтишдан ўзга чора қолмади...

**ЁЛҒОН.** Термиз шаҳрида қуриб битказилган "Оймомо" боғи гавжум. Вилоят ҳокими, ҳомий ташкилотлар вакиллари саҳнага чиқишди. Қарсаклар янгради. Вилоятнинг эндиликда собиқ ҳокими Жўра Нoралиев вилоят "Камолот" жамғармаси шу кунги шодиёна муносабати билан Бойсундаги 12-меҳрибонлик уйига "Дамас" русумли автобусча совға қилганини тантанали суратда эълон қилди. Саҳнага бир гуруҳ қизалоқлар чопқиллашиб чиқишди.

Ия, бойсунлик болалар кўприк вайрон бўлганлиги сабабли изларига қайтганди-ку?! Ҳеч қиси йўқ, битта тасодиф деб шодиёна режасини издан чиқариш шартми? Арзимас расмиятчилик учун олти-етти қизалоқ ҳоким бобо билан кўришадию, қайтади. Шунгаям ота гўри қозихонами?

Шундай деймизу, аслини олганда савобли ишга ёлғон аралашди: ҳоким тантана ташкилотчилари томонидан шошилинч "тайёрлаб" саҳнага чиқарилган "бойсунлик" етим(?!) болачаларни қучоғига босиб, эркалаб, уларнинг қўлига машина калитини топширди. Кўнгилчанлиги тутиб, ҳамманинг кўз ўнгида жажжи "етимча"ларни "Дамас"га миндирди ҳам. Ўша "Дамас"нинг қаншарига чирмалган албонга битилган "Камолот" жамғармасидан Бойсундаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига туҳфа" деган сўзларни ҳам ҳамма ўқиди. Кўзи қувнади, "Камолот" шаънига таҳсинлар ўқиди.

**ҚУВОНЧ.** Ўша оқшом вилоят телевидениеси "Оймомо"даги тантаналардан репортаж уюштирди. Репортажни интиқ кутиб ўтирган Бойсундаги меҳрибонлик уйи мураббийлари, муаллимларию тарбияланувчилари хушхабарни эшитиб, кўриб қувончдан бирбирларини табриклай кетишди.

Қўли очиқроқ катталар орасида болаларга суюнчи улашиб юборганлари ҳам бўлди.

**ЁЛҒОН.** Ўша репортажни бутун вилоят кўрди. Табиий, ҳоким бобонинг меҳрига, дийдорига етишган қизалоқларнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, ўқитувчилари, дўстлари ҳам кўргани аниқ. Лекин, ҳеч ким: "Бу саҳнага чиққанлар етим эмас, улар Бойсундаги меҳрибонлик уйи тарибияланувчилари эмас-ку?!" демади.

Вилоят ҳокимининг кайфиятини бузмаслик учун... уни алдашди (Тўғри, вилоятнинг биринчи раҳбари сифатида серқатнов йўл устидаги кўприкни сел олиб кетганидан ҳоким дарҳол хабардор бўлиши, "Шундай экан, Бойсундан вакиллар етиб келишмагандир? — деб сўраши мумкин эди, лекин бу бўлак мавзу.). Ҳар қалай, "Оймомо"даги арзимас ёлғон телеойнада кўрсатилгач ҳам ўз баҳосини олмади. Меҳрибонлик уйи раҳбарияти вақтни бой бермасдан эртасиёқ хўжалик мудири Собир Ибрагимов, ҳайдовчи Бахтиёр Равшанов, "Ширу-шакар" дастаси бадиий раҳбари Хайрулла Насриддиновлар қўлига ишонч қоғози тутқазиб, уларни вилоят "Камолот" жамғармасига жўнатишди. Вакиллар жамғарма раҳбарларига учрашдилар.

— Сизлар "Дамас"ни вилоят савдо ҳиссадорлик компаниясига бориб, ўша ердан оласизлар, — дейишди.

Вакиллар ишонч ҳужжатини кўкракларига босганча савдо компаниясига югуришди.

— Машина бор, — дейишди ҳиссадорлик компанияси раҳбарлари. — "Камолот"дан пули ўтсин, машина сизларники...

**ХАБАР.** "Сурхон тонги"нинг 1998 йил 3 июнь сонида "Офтоб чиқди оламга" сарлавҳали мақола чиқди. Ўқиб кўринг: "Бойсун туман меҳрибонлик уйининг "Ширу шакар" болалар фольклор-этнографик дастасига "Дамас" русумли кичик автобус байрам иштирокчилари ҳузурида тақдим этилди..."

Демак, маҳаллий матбуот қувончли хабарни эълон қилди, ташаккур, аммо-лекин хушхабар ортидаги ёлғон ва ғирромга аралашмади (Одамлар матбуотдан кўнгли қолаётганининг бир чеккаси шунга келиб тақалаётганидир, эҳтимол, лекин бу ҳам алоҳида мавзу).

**МИННАТ.** "Ҳиммат қилдингми, отангга раҳмат, лекин миннатли ҳиммат бошингда қолсин" деган гап бор халқимизда. Вилоят "Камолот"чилари миннат йўлини тутди. Жамғарма раиси Жуманазар Қурбонов битта шарт қўйди: жамғарма лотерея чиқарган экан, Бойсун туман ҳокимлиги шундан бир миллион сўмлигини сотишга ёрдамлашиб юборса "Дамас" беришини айтди.

**БОЗОР.** Биласиз, бойсунликларда туман миқёсидаги ватанпарварлик туйғуси Бойсун тоғ чўққиларидан-да виқорли! Меҳрибонлик уйига "Дамас" тегадиган бўлиб турибди-ю, бир миллион сўмлик лотерея сотиш чикора?!

Хуллас, бозор қизигандан-қизиди: бу борада улоқ "Сурхондарё почтаси" туман ҳиссадорлик жамиятида кетди. Яъни, жамият ходимлари 840 минг сўмлик лотерея чиптасини сотишди, кечирасиз, очиғини айтсак, нафақа пулидан чегириб қолинди. Меҳрибонлик уйи тарбиячилари ва ойига 71 сўмдан стипендия олувчи етим болалар жами 20 минг сўмлик, "Камолот"нинг туман бўлими 260 минг сўмлик чиптани пуллаб, бир миллионлик шарт ошириб адо этилди. Пул "Камолот" жамғармасининг Кўчмас мулк ва суғурта компанияси ҳисоб рақамига ўтказилди (Умуман, кейинги пайтда лотерея ўйини хўп авж олди-да, ўзиям. Қайси лотерея кимга қарашли, улардан ким қанча ютуқ топаяпти, умуман лотерея ўтказишнинг қонун-қоидаси борми, тушумнинг неча фоизи ютуққа ажратилади — буларни суриштирадиган мард йўқ. Нега энди лотерея зўрлаб сотилади, нафақа ёки маошлардан "босиб-қолиш" эвазига тарқатилади? Қонун шунга йўл қўядими?

Бу гаплар ҳам алоҳида мавзу). Демак, шарт бажарилди, бироқ...

**СУБУТ.** Бироқ хайрия-ҳадя "Дамас" домдараксиз кетди. Вилоят "Камолот"чилари субутсизлик қилди, меҳрибонлик уйи тарбиячилари, лотерея сотишда жонбозлик кўрсатган бойсунликлар, айниқса беғубор фарзандларимизнинг ишончи синди. Сўнгги чора сифатида матбуотга мурожаат қилинди.

**ТАЛАБ.** "Инсон ва қонун" газетасида босилган (1999 йил 6 апрель) "Осмонга учган "Дамас" мақоласи талаб оҳангида ёзилди. Унда асосий гап совға қилинган "Дамас"ни беришлари ҳақида эмас, вилоят миқёсида безбетларча уюштирилган кўзбўямачиликка жавоб бериш талаб қилинади. Ўқинг: "Камолот" жамғармаси эса ёшлар тарбияси учун бевосита масъул ташкилот. Президентимиз ёшлар тарбиясини тараққиётимиз пойдевори деб таъкидлаётган бир пайтда бундай кўзбўямачиликнинг оқибати нима бўлади? Бу болаларнинг дил кўзгусига дарз туширмайдими? Бундай ҳолларда хатони очиқ тан олиш афзал эмасми? Таҳририят вилоят ҳокимлиги, вилоят "Камолот" жамғармаси раҳбариятидан тегишли жавоблар кутади".

Эътибор қилинг, башарти хатога йўл қўйилган бўлса очиқ тан олинглар, вассалом, дейиляпти мақолада. "Инсон ва қонун" ва мақола муаллифи (С.Ёдиков — таҳрир. таъкиди.) имконият беряпти.

"Имкониятга зор эмасмиз", дейишди "Камолот"чилар.

**СУКУТ.** Бу гапни сукут орқали "изҳор" этишди. Сукунатли дамларда эса вилоят "Камолот" жамғармаси раиси Ж.Қурбонов... кўтарилиб кетди. Ишбилармон ва тадбиркор раҳбарга республика жамғармаси раиси ўринбосари курсиси раво кўрилди. Хуллас, билган-нетганлар матбуот танқидига жавоб кутаётган кунлар раис пойтахтга, "Дамас" осмонга учди...

— Э, бу лотереялар ғирром ўйин эканку!

— Ғирром аралашмаса лотереядан мўмай даромад қолармиди?!

Бу гапларнинг қай бири рост-қай бири ёлғонлиги бизга қоронғи, илло Сурхондарё вилоят "Камолот" жамғармаси Кўчмас мулк ва суғурта компанияси ишларида оз-моз ғирромликлар борга ўхшаб қолди. Иш юритувчи Ольга Элмуродова "перекур"да экан - сигаретини ютоқиб тортди-да, "Раис келмагунча, мен ҳеч бир ҳужжатни кўрсатолмайман", деди.

Раис Абдуғаффор Бўриев (илгари жамғарма раиси ўринбосари эди) Тошкентга кетган экан. Иқтисодий масалалар бўйича ўринбосар А.Ҳайитназаровдан ҳам тайинли жавоб бўлмади.

**КАЛАКА.** Лотереяда чиққан ютуқни ололмаган одам ўзини калака бўлган ҳисоблайди. Айниқса, қишлоқ шароитида лотереянинг яккам-дуккам ютуғи тезда оғизга тушади. "Ютуқни ювайлик" деб уйингга ётиб оладиганлари ҳам чиқади. Афсуски, ютуқларни олишдаги сарсону саргардонликнинг чеки йўқ эди. Чунки ҳар бир ютуқ эгаси юзлаб чақирим масофани босиб, ютуғини олиш учун Термиз шаҳрига бориши ва у ердан шаҳарнинг бир чеккасида жойлашган "Камолот" Кўчмас мулк ва суғурта компанияси идорасини сўраб-суриштириб топиши лозим.

— Овора бўлганимни ҳеч сўраманг, — дейди Бойсун туман Ат-Термизий кўчасида яшовчи Олим Раҳимназаров. — Омадим чопиб ДУ-Г24 русумли видеомагнитофон ютгандим. Буюм эмас, ўзимга бало сотиб олган эканман. Шу ютуқни оламан деб роппа-роса уч ой Термизга, жамғарманинг ютуқ берадиган компаниясига қатнадим. Йўлнинг ўзига бир магнитофоннинг пули кетди-ёв...

— Кўктепа маҳалласида яшайман. 1998 йили мен ишлайдиган дўконга "Камолот" лотереясидан сотиш учун юз дона берилган эди (Савдо дўконларига тарқатилган чипталар сотилди, сотилмаса қолганларини дўкон мудири ўз ёнидан тўлаши шарт. Бу ҳам алоҳида мавзу). Йигирматасини сотдим. Қолгани ўзимда қолди, — дейди Умид Зиёдуллаев. — Омадим келиб, сотилмай қолган чиптага 7 минг сўмлик гилам ютуғи чиқди. Гиламни оламан деб 24 марта Кўчмас мулк ва суғурта компаниясига қатнадим. Бир эмас, икки гиламнинг пули кетди.

**ХУЛОСА.** Йўқ, хулоса чиқаришга вақт эрта. Шу аснода айтиладиган яна бир-икки муҳим гапларни "кисса"да қолдирдик.

Ҳозирча хулоса ясаш учун бор-йўғи биттагина савол бор, холос: Сурхондарё вилоят "Камолот" жамғармаси Бойсундаги 12-меҳрибонлик уйига тантанали равишда ҳиммат кўрсатиб, сўнг миннат қилиш ва икки йилдан буён калака қилиб юришидан муддао нима?

Дарвоқе, жавоб Республика "Камолот" жамғармаси раҳбариятидан ҳам қабул қилинаверади.

**Даврон ОРИПОВ, Собир ЁДИКОВ**

*Бойсун*

СУҲБАТ

# БОЗОР — МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

***Умрида бозорга бормаган, бозордан ул-бул харид қилмаган киши бормикан? Борди-ю, шундай одам учрагудек бўлса ҳам у ушбу мақолани ўқиганидан сўнг, албатта, бозорга боради. Нега, дейсизми? Негалигини қуйидаги суҳбатдаги савол-жавоблардан билиб оласиз.***

***Шундай қилиб, суҳбатдошимиз — Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси Бош директори, Олий Мажлис депутати Аббос Алимбоев.***

Англадим, шу топда хаёлингиздан: "Ие, бу киши касби, соҳаси бўйича бозор ҳаётидан, ундаги муносабатлардан узоқда бўлса-ю, қандай қилиб бозор ҳақида фикр билдириши мумкин?" — деган ўй ўтди. Бир жиҳатдан сиз ҳам ҳақсиз, лекин бозорга муносабат билдириш учун, албатта, шу соҳага тааллуқли киши бўлиш шарт эмас. Чунки бозор — ҳамма борадиган жой. У ердаги камчилик ва муаммоларни илғаш учун эса фаҳм-эътибор, зийраклик ҳамда мулоҳаза керак. Қолаверса, бу ёғи — демократия. Хуллас, энди суҳбатни ҳам бошласак бўлар.

**— Аббос Аҳмедович, сизнингча, бозор нима?**

— Бозор — одамларнинг кундалик эҳтиёжлари қондириладиган, талаб ва таклиф тўқнашадиган жой. Шунингдек, бугунги бозор савдо дўконлари учун андоза ва товар манбаи ҳамдир.

**— Кейинги пайтда юртимизда кўплаб чиройли ва муҳташам бозорлар қурилди. Бу яхши, ютуқ ўзимизники. Лекин камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас.**

— Бор. Бўлгандаям, бозор тилида айтганда, қоп-қоп. Бозорда валюта алмаштирадиганлар борми? Бор. Эрталаб азонда деҳқондан арзон баҳога маҳсулотни олиб, унинг устига нархини қўшиб сотадиган олибсотарлар борми? Бор. Очиғини айтиш керак, ҳатто бозорнинг ўз "эгалари" ҳам бор. Уларнинг қўлидан, кўригидан кўп нарса ўтади. Мен бу учала субъектни — валютачилар, олибсотарлар ва бозор эгаларини шу сабабдан алоҳида таъкидлаб ўтаяпманки, айнан уларнинг хатти-ҳаракати билан бозордаги (осмон) нарх белгиланади.

**—Демак, нархни тушириш мумкин, шундайми?**

— Албатта-да. Нархни пасайтиришнинг йўллари кўп... Булардан бири, аввало, деҳқонларга савдо-сотиқ учун шарт-шароит, қулайлик яратиб бериш лозим. Тўғри, ҳамма деҳқоннинг ҳам уззукун бозорда ўтириб, савдо қилишга вақти, имконияти бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда бозор маъмурияти деҳқоннинг маҳсулотини сотиб олсин. Бунинг учун бозорларда махсус қабул пунктларини ташкил этиб, маҳсулотнинг устига маълум фоизни қўйиб, уни белгиланган нархда сотиш учун ишсиз одамларни танлов асосида сотувчиликка ишга жалб этиш керак. Шундай қилинса, маҳсулот баҳоси қиммат бўлмайди ва кўпчилик иш билан таъминланади.

**— Ўринли, яхши таклиф билдирдингиз. Энди ҳар биримиз тез-тез дуч келадиган бозордаги тартиб ва тозалик муаммоси ҳақида тўхталсангиз.**

— Бозордан ҳеч ким хуноб бўлиб, кайфияти тушиб қайтмаслиги керак. Бозорда шундай тартиб, қулайлик ўрнатилиши керакки, токи харидор ўзига керакли нарсани қидириб овора бўлмасин, тор жойларда урилиб-сурилиб юрмасин.

Юртбошимиз бозорларни тартибга солиш масаласига бир неча маротаба тўхталиб, ўзининг фикр-маслаҳатларини билдирган эди. Лекин шу пайтгача ҳали тўлиқ тартиб ўрнатилгани йўқ. Бунга сабаб, аниқроғи айбдорлар — бозор маъмуриятларидир.

Энди тозалик масаласига келсак, илгари бозорлар кечаси тозаланар эди. Ҳозирда эса фаррошлар куппа-кундузи супуриб юришади. Кўпгина бозорларнинг санитария аҳволи талабга жавоб бермайди. Ифлос расталар, олинмаган чиқиндилар... Буларнинг барчаси соғлиққа зарар. Айниқса, ёзда. Бозордаги нотозаликлардан СЭС ходимларининг хабари йўқми? Бор, албатта. Лекин улар кўриб-кўрмаганликка олишади...

**— Тарозидан уриб қолиш оғир гуноҳлардан бири. Шунингдек, молнинг айбини айтмасдан сотиш ҳам гуноҳ. Лекин, афсуски, бугунги кунда бозорларда тарозидан уриб қолиш, молнинг айбини айтиш эмас, аксинча уни таърифини қиёмига келтириб сотиш оддий ҳолга айланиб бормоқда.**

— Гапингиз тўғри. Бозордаги сотувчиларнинг кўпчилиги тарозидан уриб қолишади. Улар тарозидан эмас, аслида ўзларининг охиратидан уриб қолишаётганликларини билишармикан? Билишади. Лекин нафс, очкўзлик уларни шу йўлга ундайверади. Тарозидан уриб қолиш учун турли ҳийла-найранглар ўйлаб топилган ва топилмоқда. Масалан, қассобларнинг пичоқни сездирмасдан тарозига тираб туриши, лаҳм гўштни кўрсатиб, сездирмасдан (худди кўзбойлоғичга ўхшаб) унга суяк қўшиб юбориши, енгил тошларни оғир тошларнинг ўрнига ўтказиш ва ҳоказо.

Бозордаги тарозиларда қадоқ тошлар етишмайди. Уларнинг ўрнига қўйилган турли ғиштларнинг, тошларнинг оғирлиги (грамм, килограмми) тўғри эканлигига ким кафолат бера олади? Қадоқ тошларни буюртма бериб ясатиш ёки сотиб олишнинг ҳеч бир қийин жойи йўқ-ку. Бозорларимизга ҳар куни кўплаб хорижликлар ҳам ташриф буюришади. Биз аввало ўзимиздан, қолаверса, хорижлик меҳмонлардан уялишимиз керак.

Бозор маъмурлари қадоқ тошларни ясаттириш мақсадида Бекобод металлургия комбинатига ёки авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига мурожаат қилишса, ўйлаймизки, улар, албатта, ёрдам беришади.

**— Бозор болаларига муносабатингиз?**

— Болаларнинг бозорда олди-сотди билан эмас, уйда, мактабда ўқиш, илму фан билан машғул бўлишгани маъқул. Агарки, оилавий шароит бозорга чиқишни тақозо этса, буни ҳам қоралаб бўлмайди. Юртимизда мактабдаги таълим бепул. Шундай экан, бу имкониятдан тўлиқ фойдаланиш даркор. Зеро,илмли инсон ҳеч қачон хор бўлмайди.

Биласизми, деҳқоннинг боласи далада ота-онасидан деҳқончилик сир-асрорларини, олибсотарнинг боласи эса ота-онасидан турли "уддабуронлик"ни ўрганади. Нима бўлганда ҳам болаларни тадбиркорликка деб, кўзбўямачиликка ўргатиб қўймайлик.

**— Хабарингиз бўлса, бозорнинг қизиғи тонгда бўлади, дейишади.**

— Бор гап. Биласизми, минг бир машаққат билан етиштирган ҳосилини деҳқон бува яна минг бир машаққат билан (йўл ҳақи, юк ҳақи, ДАН ҳақи...) бозорга элтади. Бозорда уни олибсотарлар ёпирилиб кутиб олишади-да, ҳоли-жонига қўйишмайди. Боши қотган бечора деҳқон маҳсулотини арзонга сотиб қутулади.

Қизиқчи Ҳожибой Тожибоевнинг бозорда инсоф бўлмайди, у эрта тонгда деҳқон билан келиб, яна унинг ўзи билан қайтиб кетади, деган гапи айни ҳақиқат. Кимда-ким инсофнинг деҳқон билан қайтиб кетишини, бозор машмашаларидан бир чимдимини кўраман деса, тонгда бозорга борсин.

**— Бозордаги паттачиларнинг қўпол муомаласи, нотоза кийиниб юриши ачинарли ҳол. Нима, уларнинг хушмуомала бўлиши, озода кийиниб юриши шунчалар қийинми?**

— Ўзини ҳурмат қилган одам тилига ҳам, эгнига ҳам қараб юради. Менимча, патталчиларга алоҳида кийимбош ажратиб, кўкракларида рақамли жетон тақиб юришни жорий этиш керак. Шундагина тозалик ва тартиб ўрнатилади, деҳқонларга, сотувчиларга ҳам қулайлик туғилади.

Бозорларда ҳисобга олинмайдиган (тоғорачилардан, растадан жой етмаганлардан олинадиган) пулни бюджетга ўтказишни ҳам назорат қилиш лозим.

**— Савдо маданиятини ривожлантириш учун нималар қилиш зарур?**

— Очиғи, савдо маданияти бизда йўқ ҳисоби. Илгарилари тамоман бунинг акси бўлган. Бозорлардаги шарқона лутф, шарқона маданият, шарқона савдолашишга ҳамманинг ҳаваси келган. Бугун эса афсуски...

Бу муаммони ҳал этиш аввалимбор, бозор маъмуриятлари зиммасидадир. Улар маънавий-маърифий ишларга жиддий эътибор бериб, ишни турли услуб ва йўналишларда шундай ташкил этишсинки, токи бундан бозор хизматчилари ва харидорлар маънавий озуқа олишсин.

Биз ўтган йили "МДФ-Барака" шўъба корхонаси билан ҳамкорликда Чирчиқ деҳқон бозори ҳудудидаги оталар чойхонасида маънавият хонаси ташкил этдик. У ерга ташриф буюрганлар (Чирчиқ шаҳри Ш.Рашидов кўчаси-16) кундалик нашрларни ўқишлари, шунингдек, мумтоз куй-қўшиқларни тинглаб дам олишлари мумкин. Билишимча, "Эски жўва" бозорида ҳам "Маърифат ва тарғибот" бўлими очилибди. Бу яхши.

Бозорни ободонлаштириш, савдо маданиятини ривожлантириш мақсадида социологик тадқиқот ўтказиб, одамларнинг таклиф-мулоҳазаларини ўрганиш керак ва бу фикрлар, албатта, инобатга олиниши лозим.

Кўпгина бозорлар раҳбариятининг хоҳиш-талабига кўра оммавий ахборот воситалари ходимларининг аввал уларга учрашиб, сўнгра улар айтган кўрсатма асосида материал тайёрлашлари ҳеч бир қонун-қоидага тўғри келмайди. Бу билан бозор маъмурияти ўзлари учун ўзига хос "цензура" барпо этишяпти, холос.

**Алижон АБДУРАҲМОНОВ**
**суҳбатлашди**



ТАКЛИФ

# ПИЁЗ 100 СЎМ БЎЛАДИМИ?

Таҳририят эшигини қоқиб навбатдаги газетхон кириб келди.

— Таклиф билан келгандим, ошна! Ҳайдовчи Баҳодир Иброҳимов бўламан, 5-10 шахсий машинам бор, одамларнинг оғирини енгил қилиб кун кўраман, — саволимни кутмай ўзини таништира бошлади у. — Гапни сўрасангиз, "Ҳуррият" билан "Труд"ни қўймай ўқийман. Худога шукр, замон ишла деяпти, қўлдан келганча ишлаяпмиз. Аммо юракда кўпдан йиғилиб юрган бир-икки мулоҳаза бориди...

— Бемалол...

— Шу десангиз, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида деҳқон қайси ўсимликни қаерга, қанча экса кўпроқ фойда олади-ю, нимани экса зарар кўриши мумкинлигини олдиндан ҳисоб-китоб қиладиган мувофиқлаштирувчи марказ очилса. Зарур маълумотлар бирор-бир газета ёхуд бюллетенда чоп этилса, зўр иш бўларди-да.

5-10 та шахсий юк машинага эга бўлган ўзига тўқ тадбиркорнинг оддий деҳқонга қайишаётганидан ажабландим, кўз тегмасин.

Буни кўрган меҳмон мени яна тонг қолдирди:

— Деҳқоннинг иши юришса, биз "бир нима"ли бўламиз-да, ука! Мана қаранг, ўтган йили пиёзнинг нархи 3-10 сўм бўлди, тўғрими? Бу йил 100 сўмга чиқиши аниқ.

— Нега?

— Масалан, бу йил мен яшаётган туманда ўтган йили арзон эди деб пиёз экмаганлар кўп бўлди. Қайси деҳқонга қараманг, топгани — помидор, бодринг! Эртага бозорда бу маҳсулотлар тўлиб-тошиб, арзимас нархда сотилса, пешонасига шапатилаб қоладиган ҳам яна деҳқон.

— Хўш?

— Яна бир таклифим: ҳар бир туманда, худди Ғарбдагидек, ер ҳосилдорлигини аниқлайдиган махсус лабораториялар ташкил этилса. Ҳозир ким кўп, ернинг ҳолатидан бехабар деҳқон, фермер хўжаликлари кўп.

Агар махсус лаборатория шартнома асосида ер таркиби, ҳосилдорлигини аниқлаб берса, кўпчилик шахсий томорқа эгалари ва фермерлар бугунгидек буғдой экиб арпа олишмасди.

— Жонкуярлигингиз учун ташаккур, Баҳодир ака! Ўйлаймизки, юқоридаги таклифларингиз қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги масъул ходимларини бефарқ қолдирмайди, — дея меҳмонни кузатиб қўйдик.

Сиз бунга нима дейсиз, соҳа мутасаддилари?

**СУҲБАТДОШ**

ЭЪТИҚОД

# ИЛМ — ИЙМОННИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

**"Аллоҳ билади" дейиш тўғри, лекин Аллоҳ билган сирларнинг илмий моҳиятини англаб етиш янада тўғри**

**Омил ИСМОИЛ ўғли,**
**физик-профессор,**
**педагогика**
**фанлари доктори**

Бир ўспирин кўп қаватли бинонинг деразасидан бошини чиқариб ҳовли саҳнида ўйнаётган дўстларини кузатиб турганди. Шу вақт унинг нигоҳи дарахт шохига қўнган қушга тушди. Шох тебраниши туфайли қип-қизил чиройли олма дарахтдан узилиб кетди. Ўспирин олманинг ўзи томон ҳаракатланишини хоҳларди, лекин олма ерга томон тиккасига ҳаракатланиб, дарахт тагида копток ўйнаётган дўстининг олдига тушди. Нима учун шундай бўлди? Бу саволга Ҳасан, "Аллоҳ билади" деб жавоб берди. Ҳусан эса, "дарахтдан узилган олма ва Ер орасидаги тортишиш кучи туфайли олма Ер томон ҳаракатга келди ва дарахт тагига тушди" деб жавоб берди.

Иккинчи мисол. Баҳор фаслида булутли осмонда яшин чақнади ва бир оз муддат ўтгач, момақалдироқ товуши қарсиллаб янгради. Осмонга тикилиб турган эдингиз, яна бир яшин чақнашининг шоҳиди бўлдингиз. Лекин бу гал момақалдироқ товуши кечроқ эшитилди. Ўйлаб қолдингиз яшин чақнаши ва момақалдироқ товушининг эшитилиши орасидаги муддатлар турлича бўлишининг сабаби нимада экан-а? Бу саволга Ҳасан, "Аллоҳ билади" деб, Ҳусан эса қуйидагича жавоб берди: Яшин – атмосфера ҳавоси орқали ўтаётган электр токи. Момақалдироқ эса яшин туфайли қизиган ҳавонинг кескин кенгайиши жараёнида вужудга келадиган товуш тўлқинидир. Яшин туфайли тарқалаётган ёруғлик секундига 300000 километр масофа босиб ўтади. Зеро, кузатувчидан тахминан 3 километр узоқликда содир бўлган яшин туфайли ёруғлик секунднинг юз мингдан бир улуши қадар ниҳоят қисқа муддатда (яъни шу заҳотиёқ) етиб келади. Шу яшин туфайли вужудга келган момақалдироқ товуши эса кузатувчига 10 секунддан сўнг етиб келади, чунки товуш ҳавода секундига 330 метр тезлик билан тарқалади. Демак, кузатилган икки яшин кузатувчидан турлича узоқликдаги соҳаларда содир бўлганлиги туфайли яшин чақнаши ва момақалдироқ товушининг эшитилиши орасидаги муддатлар ҳам турлича бўлган.

Бу икки мусулмон йигитчалар жавобидаги тафовут ёшларимиз дунёқарашига, қолаверса, мафкурасига оид муаммодир. Жума ибодатларига мунтазам қатнайдиган мусулмонларнинг мазкур муаммо бўйича фикрлари билан қизиқиб кўрдик. Кўпчилик: "Ҳусаннинг жавоблари тўғри, у мактабда ўқитиладиган фанларни яхши ўзлаштирган", дейишди. Баъзилар эса: "Ҳасан ислом таълимотига мос тўғри жавоб берган, Ҳусан эса ширк келтиряпти", деган фикр билдиришди. Мулоҳаза қилиб кўрайлик, наҳотки, ислом таълимоти нуқтаи назаридан шу фикр тўғри бўлса? Аввало, Ҳасаннинг "Аллоҳ билади" деган жавобини нотўғри деб ҳисоблаш фикридан узоқмиз. Ҳақиқатан, Аллоҳ барча воқеа-ҳодисалар сир-асрорини билгувчидир. Лекин бу исломий тамойил табиат сирларини ўрганиш ширк деган тушунчани англатмайди, яъни Ҳусаннинг табиатда учрайдиган воқеа-ҳодисаларни табиатни ўрганувчи фанларга оид ўз билимлари доирасида шарҳлашини *"ширк келтириш"* деб ҳисоблаш ҳам нотўғри. Аниқроғи, жоҳиллик. Зеро, бундай жоҳиллик иймонли мўмин-мусулмонларнинг табиий фанларни ўрганишига тўсқинлик қилади. Ҳасан ва Ҳусанга ўхшаш дунёқарашга эга мусулмон биродарлар орасида ихтилоф келиб чиқишини бартараф этиш учун атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни замонавий илм-фан асосларига таянган ҳолда идрок эта билиш керак.

Исломий иймон эътирофи калимаси (Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ) қалбида чуқур жойлашган мусулмон олим сифатида "Ҳижр" сурасининг 85-оятидаги "Биз осмонлар ва ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги нарсаларни фақат ҳақ қонун-қоида билан яратдик..." жумлаларининг моҳиятини ойдинлаштиришга ҳаракат қилайлик. Ҳақиқатан, осмонлар ва Ер ҳамда уларнинг ўртасидаги нарсалар Аллоҳ томонидан шундай тарзда яратилганки, уларнинг сифатий ва миқдорий фазилатлари, бу фазилатлар орасидаги боғланишлар замирида аниқ қонун-қоидалар мавжуд.

Аллоҳ инсонга инъом этган ақл туфайли илм соҳиблари бу қонун-қоидаларни тадқиқ қилдилар. Тадқиқотлар натижасида Қуръони карим нозил бўлган даврдан ҳозиргача ўтган деярли 15 аср давомида ниҳоят улкан ютуқларга эришилди. Бу ютуқларнинг амалий татбиқлари кундалик ҳаётимизга ҳам сингиб кетди. Масалан, радио ва телеалоқа, ер ости, ер усти, сув транспорт воситалари, электр энергия ва унинг воситасида ишлайдиган турли ускуна ва дастгоҳлар... Олимлар табиат қонун-қоидаларини янада чуқурроқ ўрганаверадилар ва улар янада кенгроқ амалиётда татбиқ этилаверади. Шунинг учун ҳар бир мусулмон дунёвий фанлар ютуқларининг асосларини эгаллаши ва улар асосида атрофимиздаги нарсалар ҳамда содир бўлаётган ҳодисаларни тафаккур эта билиши керак. Бу эса, ўз навбатида, мўмин-мусулмонлар иймонининг сусайишига эмас, аксинча онгли равишда мустаҳкамланишига хизмат қилади. Фикримизнинг тасдиғи сифатида Ернинг шакли ва ҳаракатларига оид замонавий маълумотлар ва Қуръон оятларидаги баъзи мутаносибликларни соддалаштирилган тарзда баён этайлик.

Аввало, мактаб курси ҳажмидаги маълумотларнинг энг асосийларини эслаб олайлик. Ер деб аталадиган сайёрамиз эллипсоид шаклида бўлиб (думалоққа яқин бўлган қовун шаклини тасаввур қилинг), унинг экваториал ва қутбий радиуслари 21,4 км га фарқ қилади. Лекин унчалик катта аниқлик талаб қилинмайдиган ҳисобларда бу фарқни эътиборга олмаса ҳам бўлади. Шунинг учун Ер ўртача радиуси 6371 км бўлган шарсимон жисм деб қабул қилинади, у Қуёш системасига кирувчи сайёралардан бири. Қуёшдан турли узоқликларда, унинг атрофида Меркурий, Венера, Ер, Марс, Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун, Плутон деб номланган 9 та йирик сайёра ва 1700 га яқин майда сайёра – астероидлар ҳамда 600 дан ортиқ кометалар айланади. Ер Қуёш атрофида эллипссимон орбита бўйлаб йилда бир марта тўлиқ айланиб чиқади. Бунда Қуёш ва Ер орасидаги энг яқин масофа 147 000 000 км, энг узоқ масофа эса 152 000 000 км бўлади. Катта аниқлик талаб қилинмайдиган ҳолларда Ер Қуёш атрофида радиуси 150 000 000 км бўлган айланавий орбита бўйлаб секундига 30 км тезлик билан ҳаракатланади, деб ҳисобланади. Бу ҳаракатни Ернинг орбитал ҳаракати деб аталади. Бундан ташқари Ернинг суткалик айланма ҳаракати ҳам мавжуд: Ернинг қутблари орқали ўтувчи хаёлий чизиқ Ер ўқи деб аталади.

Бу билимларга инсоният узоқ вақтлар давомида илм соҳиблари олиб борган кузатув ва тадқиқотлар туфайли эришди. Хусусан, Абу Райҳон Беруний 22 ёшида Ер глобусини ясаган. Оврупода эса глобусни 500 йилдан сўнг Мартин Бехайм яратган. Абу Райҳон Беруний: "Сайёралар Қуёш атрофида бир марта айланиб келишида икки марта яқинлашиб, икки марта узоқлашади", "Ернинг айланиши астрономик ҳисоблашларга ҳеч қандай хилоф келтирмайди" (X аср),

Умар Чағминий эса: "Ернинг Қуёш атрофида айланишидан фасллар ҳосил бўлади" (XII аср) деб ёзганларида сайёралар Қуёш атрофида эллипссимон орбиталар бўйича ҳаракатланиши ҳақидаги ҳозирги замон таълимотига мос келувчи фикрни акс эттиришган. Эътиборга лойиқ яна бир маълумот: буюк ислом олими имом Муҳаммад Ғаззолий (XI аср) олий мадрасаларда кўп асрлар давомида ўқитилган "Кимиёи саодат" асарида "...Ер ва ситораларни (юлдузларни) сайр қилмоғи..."ни ҳам эътироф этган. Бир неча асрлардан сўнг бу фикрлар оврупалик олимлар томонидан ривожлантирилди.

Оврупо мамлакатларининг аксариятида христиан динига эътиқод қилинган. Шунинг учун Оврупода узоқ асрлар давомида дунё тузилиши ҳақидаги тасаввурлар христиан черкови фикрига монанд бўлган: ҳаракатсиз деб ҳисобланган Ер – коинотдаги марказий ва энг катта самовий жисм, сайёралар, Ой ва Қуёш эса Ер атрофида ҳаракатланадилар, деган фикр XV асргача ҳукмронлик қилган. Лекин XV асрдан бошлаб Оврупода табиий фанлар соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Бунда Коперник, Кеплер, Галилей, Ньютон томонидан қилинган кашфиётлар юқорида баён этилган Қуёш системаси ҳақидаги таълимотни яратишга имкон берди.

Энди, Ернинг шакли ва ҳаракати ҳақидаги замонавий таълимот илоҳий калом бўлмиш Қуръонда қанчалик акс этганлигини таҳлил қилайлик. Аввал, "Нозиот" сурасининг 30-оятига мурожаат қилайлик:

**Вал арза баъда золики дахохо**

**Бу оятни Алоуддин Мансур ҳазратлари**

**Ва шундан кейин ерни ёйиб-текис қилди**

шаклида таржима қилганлар. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари эса ўзларининг "Тафсири ҳилол" асарларида мазкур оятнинг ўзбекча вариантини қуйидаги шаклда берганлар:

**Ва шундан сўнг ерни тухум шаклида қилди.**

1999 йилда "Адолат" нашриёти турк олими профессор Холуқ Нурбоқийнинг "Қуръони Каримнинг илмий мўъжизалари" асарини чоп этди. Китобнинг туркча 8-нашридан ўзбекчага Миразиз Аъзам ўгирган. Бунда юқоридаги оят:

**Самодан сўнг Ерни туяқуш тухумидай қилдик**

деб қайд этилган ва уни китоб муаллифи қуйидагича шарҳлаган:

**Тухумлар орасида энг думалоғи туяқуш тухумидир.**

V асрда бу таъриф шу қадар ёввойи кўринганки, Қуръон тафсирчилари "дахо" калимасини "ёйиб қўймоқ", "ёйиб-текис қилмоқ" маъносида шарҳлашга мажбур бўлганлар. Ҳолбуки, "дахо" калимаси фақат тухумсимон, катта овал шакл, купол, туяқуш тухуми, катта тўп ўрнида қўлланилади.

Демак, Қуръонда Ернинг шакли шарсимон эканлиги очиқ тарзда баён этилган. Энди, "Таквир" сурасининг 15 ва 16-оятлари:

**Фало уқсиму биъл хуннас...**

**Ал-жаворил куннас...**

устида мулоҳаза юритайлик. Профессор Холуқ Нурбоқий китобидаги фикрлар ва арабшунос олим Музаффарҳожи Чустийнинг қимматли мулоҳазаларига асосланиб бу икки оятни биргаликда **тортишиш кучига ва орбита бўйлаб ҳаракатланаётганга қасамки...** шаклида ишлатиш маъқул бўлади. Бунда самовий жисмларнинг орбита бўйлаб тинимсиз ҳаракатланиш шарти акс этган. Хусусан, Ернинг Қуёшга тортилиш кучи (яъни, гравитацион куч) Ернинг орбита бўйлаб ҳаракатланаётганлиги туфайли вужудга келадиган марказдан қочма куч (у гравитацион кучга қарама-қарши йўналган) бир-бирини мувозанатлаганлиги учун Ер Қуёш атрофида тинимсиз орбитал ҳаракатда бўлади.

Ернинг айланиши ҳақидаги илмий ҳақиқат "Намл" сурасининг 88-оятида акс этган:

**Сиз тоғларни кўриб тек қотиб турибди, деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар булут юргандай юрарлар. Бу барча нарсани пухта қилган зот – Аллоҳнинг ҳунаридир. Албатта, у зот сизлар қилаётган ишлардан огоҳдир.** (Алоуддин Мансур таржимаси.)

Бир хаёлий тажриба ўтказиб кўринг. Фазодан туриб, Ерни кузатайлик. Ернинг айланиши туфайли унинг сиртидаги ҳудудлар, хусусан тоғларнинг ҳаракати сузиб юрувчи булутлар манзарасига ўхшаган бўлади. Зеро, мазкур оят Ернинг суткалик ҳаракатидан далолат беради.

Биз Ернинг шакли ва ҳаракатига оид замонавий маълумотлар Қуръон оятларида мавжуд эканлиги ҳақида фикр юритдик, холос. Ана энди юқоридаги саволимизни яна такрорлашга тўғри келади: табиатда кечаётган ҳодисаларни илмий равишда шундай билиш, ўрганишнинг нимаси ёмон, унинг динга нимаси тўғри келмайди?

Шуни унутмаслик керакки, олимлик даражаси юксалгани сайин одам диндан, Парвардигордан узоқлашмайди, аксинча – Унга ва У яратган ҳақиқатларга яқинлашади. Иймонни мустаҳкамлайди.

